

Юксак эътибор ва ғамхўрлик ифодаси

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида Ўзбекистон миллий паралимпия Ассоциацияси Тошкент шаҳар бўлими томондан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбир ўтказилди.

Ушбу тадбирда Ассоциациянинг шаҳар бўлимида машғулот олиб боровчи спортчи ёшлар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Айтиш жоизки, ҳозирда бу ерда имконияти чекланган болалар спортнинг бир неча турлари билан шуғулланиб келишмоқда. Уларга тажрибали мураббийлар сабоқ беришаётир. Уларнинг ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда спорт турлари билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

– Она Ватанимиз номини дунёга танитишда бизнинг спортчиларимиз ҳам ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келишмоқда, – дейди Ассоциациянинг Тошкент шаҳар бўлими бош мураббийи Р.Сафариев. – Яқиндагина Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида иштирокчиларимиз қўлга киритган ютуқлар фикримнинг ёрқин исботидир. Уларнинг бу каби нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиши ва муваффақиятларга эришиши замирида, албатта, юртимизда спортга бўлган улкан эътибор ётади.

Пойтахтимиздаги аҳоли дам олиш ва маданият марказлари бадийий жамоалари томонидан тайёрланган концерт дастури йиғилганларга ўзгача завқ улашди. Спортчиларимизнинг қатъияти ва шижоатини оширишда, уларга руҳий ва маънавий кўмак беришда бу каби кечаларнинг аҳамияти катта.

Инобат МАТЁҚУБОВА,
“Qishloq hayoti” мухбири.